

ISSN: 2181-4031

DOI Journal 10.56017/2181-4031

JOFS

7-СОН

ИЮЛЬ, 2023

ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ



IMFAKTOR



ISSN: 2181-4031
DOI Journal 10.56017/2181-4031

ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

I-ЖИЛД, 7-СОН

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ-I, НОМЕР-7

JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

VOLUME-I, ISSUE-7

ТОШКЕНТ – 2023

ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

№ 7 (2023) DOI <http://dx.doi.org/10.56017/2181-4031-2023-7>

Бош муҳаррир:

Тураев Б. – фалсафа фанлари доктори, профессор

Масъул муҳаррир:

Расулова Д. – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Таҳририят аъзолари:

Кенжабаев А. – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расулова Д. – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Саттаров О. – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Исҳоқов М. – тарих фанлари доктори, профессор

Абдуҳалимов Б. – тарих фанлари доктори, профессор

Каримов Б. – тарих фанлари номзоди, доцент

Мадумаров Т. – юридик фанлар доктори, профессор

Қодиров Б. – юридик фанлар доктори, доцент

Қиличев Х. – юридик фанлари бўйича фалсафа доктори

Баҳодиров Р. – фалсафа фанлари доктори, профессор

Саифназаров И. – фалсафа фанлари доктори, профессор

Идиоров У. – сиёсий фанлар доктори, профессор

Абдуллаев Н. – сиёсий фанлар номзоди, доцент

Сатторов А. – сиёсий фанлар номзоди, доцент

Умаров А. – социология фанлари доктори, профессор

Матибаев Т. – социология фанлари доктори, профессор

Каюмов К. – социология фанлари бўйича фалсафа доктори

Мазкур фанлараро илмий-амалий журнал Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2022 йил 22 декабрь куни № 054837-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Саҳифаловчи\Page Maker\Верстка: Абдураҳмон Хасанов

Таҳририят манзили: <https://imfaktor.uz>, 100152, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2/27-ўй.

Телефон номер: +99894-410 11 55, E-mail: tahririyat@imfaktor.uz

© IMFAKTOR Pages, 2023 йил.

© Муаллифлар жамоаси, 2023 йил.

ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

Тарих фанлари

НЕЪМАТОВ Рустам Абдуваид ўгли

Гулистон давлат университети

«Тарих» кафедраси ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.8163763>

ХОРАЗМ АФРИГИЙЛАР СУЛОЛАСИ – ТУРК ХОҚОНЛИГИ СИЁСИЙ АЛОҚАЛАРИ

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада илк ўрта асрларда Хоразм воҳасида милодий IV – X асрларда ҳукмдорлик қилган Африғийлар сулоласи ва унинг Турк хоқонлиги ўртасидаги сиёсий алоқалари, Шу билан бирга, Хоразмни ҳам ўз ичига олган тарихий-географик ҳудуд бўлмиш Амударё – Сирдарё оралиги ва унга туташ ҳудудлардаги Чоч, Ўтрор, Фарғона, Уструшона, Суғд, Бухоро, Марв, Тохаристон каби хоқонлик таркибидаги вассал воҳа ҳукмдорликлари – мулкликлар тарихи билан боғлиқ сиёсий воқеликлар тарихий ва ёзма манбалар орқали мақолада таҳлил этилади.

Калит сўзлар: Африғийлар сулоласи, Турк хоқонлиги, Эфталийлар давлати, Гулзарриун (Сирдарё) дарёси, Ғазнавийлар (961-1186), Салжуқийлар (1038-1308), Гурийлар (1148-1206), Феофан, Н.Пигулевская, Ғ.Бобоёров, хитой йилномалари, С.Толстов, Беруний, Б.Вайнберг, Маҳмуд Кошғарий.

НЕЪМАТОВ Рустам Абдуваид ўгли

Гулистанский государственный университет

преподаватель кафедры истории

АФРИГИДСКАЯ ДИНАСТИЯ ХОРАЗМА - ПОЛИТИЧЕСКИЕ ОТНОШЕНИЯ ТУРЕЦКОГО ХАКАНСТВА

АННОТАЦИЯ

В данной статье рассматриваются политические отношения между династией Афригий, правившей Хорезмским оазисом в IV-X вв. территории, включающей Хорезм, и прилегающие области Чоч, Отрор, Политические реалии, связанные с историей вассальных оазисных владений - владений в составе каганата, таких как Фергана, Уструшона, Согд, Бухара, Марв, Тохаристан, анализируются в статье через исторические и письменные источники.

Ключевые слова: Афригидская династия, Турецкое хаканство, государство Эфтали, река Гулзарриун (Сырдарья), Газневиды (961-1186), Сельджуки (1038-1308), Гурианы (1148-1206), Феофан, Н.Пигулевская, Ғ.Бобоёров, Китайские хроники, С.Толстов, Беруни, Б. Вайнберг, Махмуд Кошгари.

Nematov Rustam Abduvaid ugli
Gulistan State University
Teacher of the Department of History

AFRIGID DYNASTY OF KHORAZM - POLITICAL RELATIONS OF THE TURKISH KHAKANITY

ANNOTATION

This article discusses the political relations between the dynasty of Afrigius, who ruled the Khorezm oasis in the 4th-10th centuries. the territory, including Khorezm, and the adjacent regions of Choch, Otror, Political realities associated with the history of vassal oasis possessions - possessions in the Khaganate, such as Ferghana, Ustrushona, Sogd, Bukhara, Marv, Tokharistan, are analyzed in the article through historical and written sources.

Key words: Afrigid dynasty, Turkish Khakanship, Eftali state, Gulzarriyun (Syrdarya) river, Ghaznevids (961-1186), Seljuks (1038-1308), Gurians (1148-1206), Feofan, N. Pigulevskaya, G. Boboerov, Chinese Chronicles, C. Tolstov, Beruni, B. Weinberg, Mahmud Koshgari.

Илк ўрта асрлар, хусусан, VI – VIII асрларда Хоразм воҳасида кечган ижтимоий-сиёсий ва этномаданий жараёнлар тарихи ўзбек давлатчилиги тарихининг нисбатан кам ёритилган масалаларидан бири ҳисобланади. Милодий IV – X асрларда Хоразм воҳаси ва унинг яқин атрофларини Африғийлар сулоласи бошқарган бўлиб, VI – VIII асрларда ушбу сулола Турк хоқонлиги (552-744) таркибидаги вассал ҳукмдорлик сифатида бўлди.

Хоқонлик ва Африғийлар орасидаги муносабатлар айнан қандай бўлганига доир ёзма маълумотлар унчалик кўп бўлмагани сабабли етакчи – Турк хоқонлиги ва вассал – Хоразм алоқалари бўйича тўлақонли тасаввурларга эга бўлиш бирмунча қийин. Шу боис, бу масалани ёритишда нафақат ёзма манбаларга, балки, археологик материаллар ва лингвистик маълумотларга мурожаат қилишга тўғри келади. Шу билан бирга, Хоразмни ҳам ўз ичига олган тарихий-географик ҳудуд бўлмиш Амударё – Сирдарё оралиғи ва унга туташ ҳудудлардаги Чоч, Ўтрор, Фарғона, Уструшона, Суғд, Бухоро, Марв, Тоҳаристон каби хоқонлик таркибидаги вассал воҳа ҳукмдорликлари – мулкликлар тарихи билан боғлиқ сиёсий воқеликлар ва этномаданий жараёнларни кўриб чиқиш бу масалани ёритишда бирмунча ёрдам бериши мумкин.

Санаб ўтилган воҳа ҳукмдорликларнинг кўпчилиги Турк хоқонлиги ташкил топиши арафасида Эфталийлар давлати (450-565) қўл остидаги сиёсий уюшмалар бўлиб, уларнинг деярли ҳар бири ўз ички бошқарувида бирмунча эркин, шу билан бирга Эфталийларга қарам ҳукмдорликлар эди. 552 йилда ўз мустақиллигини эълон қилган Ашина турклари орадан кўп ўтмай, яъни 555 йилдаёқ Марказий Осиёнинг шарқий ҳудудлари – Олтой ва Мўғулистон ҳудудларини ўз ичига олган йирик салтанатга айлана бошлайди.

Ўша кезларда Марказий Осиёнинг жануби-ғарбий ҳудудлари Эфталийлар давлатининг таянч ҳудудлари бўлиб[1], марказ Тоҳаристон бўлган эфталийлар Бухоро, Нахшаб, Кобул ва Шимолий Ҳиндистонда бир неча бошқарув марказларига эга эдилар. Амударё – Сирдарё оралиғининг жанубий ва марказий қисmlарини ташкил этган ушбу ҳудудлардан бирмунча шимолдаги Марказий Суғд (Самарқанд, Кушония (Каттақўрғон), Иштихон, Кабудон, Панч), Уструшона, Чоч ва Фарғона каби воҳа ҳукмдорликлари сингари Хоразм ва Марвнинг ҳам ўша пайтларда Эфталийлар давлати қарамоғида бўлганми – йўқми масаласи ҳалигача ўз ечимини топмаган.

Бу борада ёзма манбаларда тўлақонли маълумотлар учрамаса-да, айрим маълумотларга асосланиб, Марказий Суғд, Кеш, Уструшона, Чоч, Фарғона ва Хоразмнинг у ёки бу даражада Эфталийлар давлатининг сиёсий таъсири остидаги сиёсий уюшмалар бўлганини тахмин қилиш мумкин.

Агар ўша чоғларда Тоҳаристон, Нахшаб ва Бухоро эфталийларнинг асосий таянч ҳудудлари бўлгани эътиборга олинса, Амударё – Сирдарё оралиғидаги қолган ҳукмдорликларнинг ҳам ушбу давлатга бўйсунувчи, бироқ ўз ички бошқарувида эркин бўлганликлари англашилади.

560- йилларнинг ўрталарига келгач, Турк хоқонлиги қўшинлари ғарбий ва жануби-ғарбий йўналишлардан Ўрта Осиё ҳудудларига кириб кела бошлайди. Бунгача Еттисув ва Шаркий Туркистондаги катта-кичик ҳукмдорликлар ва қабила уюшмаларини бўйсундирган хоқонлик қўшинлари Гулзарриун (Сирдарё) дарёси бўйида эфталийларни мағлуб этиб, 560- йиллар бошида Чоч, Ўтрор, Фарғона, Уструшона ва Марказий Суғдни қўлга киритади [2]. 565 йилда эса улар Нахшаб ва Бухоро атрофларида эфталийларнинг асосий кучларига зарба бериб, ўз чегарасини Тоҳаристон ва Суғд орасида белгилайди. Эфталийларга қарши хоқонлик билан иттифоқ тузган Сосонийлар Эрони эса Эфталийлар давлатининг марказий ва жанубий ҳудудлари – Тоҳаристон, Кобул ва Хуросонни ўзига қўшиб олади. 580- йилларга келиб Турк хоқонлиги ўз чегараларини жанубга томон силжитиб, собиқ эфталийларга қарашли Сосонийлар қўл остидаги ерларни эгаллайди [3].

Ушбу сиёсий жараёнларда Хоразм воҳасида айнан қандай воқеалар юз берганини аниқ айтиш қийин. Бироқ айрим маълумотларга таяниб, бу ердаги Африғийлар сулоласининг ҳам айнан шу йилларда Турк хоқонлиги таркибига ўтганини тахмин қилиш мумкин. Хоразм воҳасига нисабатан яқин жойлашган Ўтрор ва Бухоро ҳукмдорликларининг Турк хоқонлиги қўл остига ўтгани ҳисобга олинса, шунингдек, ўша вақтларда Сосонийларнинг Хоразм устидан бирор сиёсий таъсир ўтказгани доир ёзма маълумотларнинг йўқлигидан келиб чиқилса, Африғийлар хоқонлик ҳокимиятини тан олганини тахмин қилиш мумкин бўлади. Шунингдек, айнан ўша йилларда ғарбга – Орол денгизининг шимолидан Волга – Уралбўйи ва Шимолий Кавказга йўл олган хоқонлик қўшинларининг 560- йиллар охирларига келиб Қора денгизнинг шимолий қирғоқларигача етиб борганлиги маълум.

Демак, Чоч, Ўтрор каби Сирдарёнинг ўрта оқимларидаги ҳукмдорликларни эгаллаган, шу билан бирга ушбу йўналиш орқали ғарбга – Орол ва Уралбўйи ҳудудларига силжиган Турк хоқонлиги қўшинлари Хоразмга ўз таъсирини ўтказган дейиш мумкин. Агар 580-йилларда хоқонлик қўшинлари Хуросон ўлкасининг Марв, Гургон, Деҳистон каби шимолий қисмларини, балки жанубдаги Хирот (Хуросон)ни ҳам эгаллаганидан келиб чиқилса, Хоразмнинг аллақачон Турк хоқонлиги таркибига ўтганини тасаввур қилиш қийин бўлмайди. Чунки, Хоразм жануби-ғарбий томондан доимо Хуросонга яқин ҳудуд ҳисобланиб, минтақада ўз ҳокимиятини ўрнатган кўплаб сулолаларнинг Хуросонни эгаллагач, Хоразмга интилгани ва бу ерда ҳам ўз ҳокимиятини ўрнатгани ёзма манбалардан маълум. Буни Ғазнавийлар (961-1186), Салжуқийлар (1038-1308), Ғурийлар (1148-1206) каби ривожланган ўрта асрлардаги ҳукмрон сулолаларнинг дастлаб Хуросонни, кўп ўтмай эса Хоразм воҳасини эгаллаганликлари мисолида кўриш мумкин.

Бошқа томондан эса Хоразм воҳасига географик жихатдан бирмунча яқин бўлган тарихий ўлкалардан яна бири, воҳанинг ғарбий чегаралари яқинида жойлашган Каспийбўйи ҳудудлари Турк хоқонлиги таркибига ўтиши ҳам бу ерлар хоқонликнинг сиёсий таъсири доирасига кирганидан дарак беради. Ўша кезларда яшаб ўтган византиялик тарихчи Феофаннинг ёзишича *«турклар ўша пайтда авваллари форслар қўлида бўлган тижорат шаҳарлари ва Серларнинг портларини эгаллашди... Форслар уларни (шаҳар ва портларни) қўлдан чиқаришди. Эфталитлар эса уларнинг хўжайинлари бўлиб қолишди. Шундан кейин кўп ўтмасдан турклар уларни жангда мағлуб қилди ва улардан (шаҳар ва портларни) тортиб олишди»* [4] шаклидаги маълумотга асосланиб, Н.В.Пигулевская Суғд ва Каспийбўйида жойлашган тижорий шаҳарлар ва портлар хоқонлик иқтисодий ҳаётида муҳим ўрин тутганига урғу беради.

Шу ўринда айтиб ўтиш керак, ушбу маълумотда ўрин олган *серлар* сурёнийча манбалар билимдони Н.Пигулевскаянинг фикрича, суғдийлар маъносида келади. Аслида бу ном остида Византия манбаларида Хитой ва хитойликлар, Шарқий Туркистоннинг ўтроқ аҳолиси тушунилган бўлса-да, вақти-вақти билан у ипак тижорати билан шуғулланган бошқа этнослар, шу жумладан, суғдийлар учун ҳам қўлланилган дейиш мумкин.

Сурёний манбаларида келтирилган ушбу маълумотларга асосланиб, бир вақтлар Эфталитлар давлатига тегишли бўлган Каспийбўйи портларининг Турк хоқонлиги қўлига ўтгани бу ер ва унга яқин ҳудудларнинг хоқонлик таркибига ўтганини айта оламиз. Ушбу воқеалар 560- йилларда юз бергани кўзда тутиладиган бўлса, айтиш мумкин бўлади. Бу ва яна бошқа далиллар асосида Хоразмнинг хоқонлик томонидан эгалланиши 560- йилларнинг иккинчи ярмига тўғри келади, деб ҳисоблаш мумкин.

Турк хоқонлиги 560- йилларда Ўрта Осиёнинг марказий қисмлари ва жануби-ғарбий ҳудудларига юриш қилар экан, хоқонлик қўшинларининг асосан 2 та йўналишда – бири Еттисув ва унга қўшни ҳудудлардаги Тароз – Исфижоб (Сайрам) – Чоч – Уструшона орқали Суғдга юриш қилган бўлса, иккинчи йўналиш эса Исжифоб – Ўтрор орқали Сирдарёнинг қуйи оқими – Орол денгизининг шимоли – Жанубий Урал орқали Шарқий Европа қаратилган эди. Ҳар иккала йўналиш орқали ҳам Хоразм воҳасига кириб келиш мумкин бўлиб, юз минглаб қўшинга эга бўлган[5] хоқонлик учун нисбатан кам сонли қўшинли Африғийлар сулоласини бўйсундириш қийин эмас эди. Ёзма манбалардан маълум бўлишича, илк ўрта асрларда Ўрта Осиёдаги Самарқанд, Уструшона, Бухоро каби воҳа давлатлари – мулкликларнинг қўшини 2-3 мингдан 10 мингтагача бўлиб, улар йирик салтанатларга қарши чиқиш ҳолатида эмас эдилар.

Маълумки, Буюк Турк хоқонлиги (552-630; 680-744) ва унинг таркибий бир қисми бўлмиш Ғарбий Турк хоқонлиги (568-740) даврида, яъни қарийб икки юз йил мобайнида мазкур Марказий Осиёнинг Ғарбий Олтой қисмидан то Қора денгизнинг шимолигача, Волга–Урал бўйларидан то Шимолий Ҳиндистонгача бўлган ҳудудда ўз ҳокимиятини барпо этган Ғарбий хоқонлик таркибига Сирдарё–Амударё оралиғидаги Чоч, Фарғона, Уструшона, Суғд, Бухоро, Тўхористон ва Хоразм каби воҳа ҳукмдорликлари кириб, уларнинг деярли барчаси ўзаро бир-бирига қўшни ёки географик жиҳатдан яқин жойлашган эди.

Ушбу ҳукмдорликларнинг Ғарбий Турк хоқонлиги билан ўзаро сиёсий алоқалари қандай бўлгани масаласи бир қатор изланувчилар томонидан алоҳида ўрганилган. Масалан, Ғ.Бобоёров ўзининг “Ғарбий Турк хоқонлигининг давлат тузumi” номли монографиясида хоқонлик таркибидаги деярли барча воҳа ҳукмдорликларни, шу жумладан, Чоч, Фарғона, Суғд, Тоҳаристон мисолида таҳлил қилар экан, Хоразм воҳасига ҳам қисқача тўхталиб ўтган. Шунингдек, унинг “Турк хоқонлиги даврида Хоразм” номли мақоласида хоқонлик ва Африғийлар сулоласи алоқалари бирмунча кенг ёритилган. Уструшонанинг Турк хоқонлиги давридаги бошқаруви масалалари Қ. Алмановнинг тадқиқотларида ўз аксини топган [6].

Фарғона водийсининг хоқонлик томонидан бошқарилуви масалалари У. Холмуниновнинг изланишларида ўз аксини топган. Турк хоқонлиги – Суғд муносабатлари Ғ.Бобоёров ва А.Кубатиннинг ҳаммуаллифликдаги тадқиқотларида [7], шунингдек, Б.Ғойибов, С.Сулаймоновнинг изланишларида анча кенг таҳлилга тортилган. Ф.Жуманиязова эса Турк хоқонлигининг Тоҳаристон ва Кобулдаги бошқарувини таҳлил қилган [8]. Ушбу тадқиқотчилар ўзлари танлаган ҳудудлар тарихини ёритар экан у ёки бу даражада Хоразмга ҳам қисқача тўхталиб ўтишган.

Юқорида айтиб ўтилганидек, ушбу тадқиқотчилар орасида Ғ.Бобоёровнинг изланишлари бирмунча кенг қўламлилиқ касб этиб, тадқиқотчига кўра, Амударё – Сирдарё оралиғида Эфталитлар салтанати ҳукмрон бўлиб, унинг қўл остидаги ярим мустақил ҳукмдорликларда: Чоч, Фарғона, Самарқанд, Кабудон, Маймурғ, Кушония, Кеш, Бухоро ва ҳ.к.)да Чжаову хонадонига мансуб сулоалар мавжуд бўлиб, хитой йилномаларига таяниладиган бўлса, Хосюнь (Хоразм) ҳукмдорлари ҳам Чжаовуларга мансуб эди.

Тадқиқотчининг ёзишича, араб-форс тилли манбаларда Хоразмнинг бошқарувчи сулоласи Африғийлар шаклида тилга олиндиши[9], Чжаову ва Африғийларнинг алоҳида сулола бўлгани ёки битта сулоланинг бир-биридан фарқли муҳит (хитой ва араб)га мансуб манбаларда турлича шаклда тилга олингани масаласини кўндаланг кўяди, шунинг учун бу масалани ечиш учун келгусида махсус изланишларга муҳтождир.

Ёзма манбалар ва нумизматик материаллар Турк хоқонлиги даврида Хоразм воҳасида маҳаллий сулола ўз бошқарувини сақлаб қолган, дейишга имкон беради. Бу масалани биринчилардан бўлиб ёритган И.Маркварт ва З.В.Тўғон фикрича, ўзларини қадимий эроний сулолага тақағувчи, исломдан аввалги даврларда ҳукм сурган Хоразмшоҳлар сулоласининг келиб чиқиши аслида Абдаллар (Эфталитлар)дан бўлган. Хитой манбаларидан фақат “Тан-шу” йилномасида Хосюн (Хоразм) вилоятининг бошқарувчилари Чжаову сулоласидан эканлиги қайд қилинадики, бу эса эфталитлар ва ушбу сулола орасида этник жиҳатдан қандайдир боғлиқлик бўлса керак деган қарашни келтириб чиқаради.

Хоразмнинг исломдан олдинги тарихининг асосий манбаларидан бўлган Абу Райхон Берунийнинг “Осор ул-боқия” (Ўтмиш халқлардан қолган ёдгорликлар) асарида Хоразмнинг 22 нафар ҳукмдорининг рўйхати келтирилиб, уларнинг насли Эрон шоҳларидан Кайхусравнинг ўғли Сиёвусга туташини таъкидланади[10]. Ушбу маълумотда бир қатор воқеликлар ўзаро қоришиб кетган бўлиб, чамаси, Африғийлар эронлик ҳукмдор сулолалар билан сиёсий ва этномаданий алоқаларга эга бўлганидан бундай талқин келиб чиққан ўхшайди. Шу ўринда айтиб ўтиш керак, айрим тадқиқотчилар ушбу рўйхатдаги ҳукмдорларнинг барчаси битта сулолага мансуб бўлишмаган, деган хулоса келишган. Тадқиқотчиларга кўра, Беруний рўйхатидаги 2 нафар ҳукмдор исми Аска Жамук тарзида берилдики, ҳар ҳолда уларнинг Чжаову (араб. Жамук) хонадонидан бўлганлигини тахмин қилиш мумки.

Хоразмшунос С.Толстов, Беруний келтирган рўйхатдаги Туркасабос (ёки Туркасабас/Туркасбос) исми ҳукмдори 567 йилда Турк хоқонлигининг ғарбий ўлкалари (Орол денгизи атрофлари)да ҳукм юритган Ашина сулоласи аъзоларидан бири, юнон манбларида Турксанф тариқасида учрайдиган шахс билан бир деб қарайди: Туркасбос – Турксанф [11].

О.И.Смирнова, Туркасбос исмининг луғавий маъноси “турк лашқарининг соҳиби” эканлигини илгари суриб, шу тариқа Хоразмда туркларнинг сиёсий таъсири бўлганига урғу беради. Айрим изланувчилар юнон манбаларида Истами ябғунинг ўғли сифатида тилга олинган Турксанфнинг асл исми туркийчада “Турк шад” бўлиб, у Истами хоқоннинг ўғлидир, деган қарашни илгари сурадилар. “Шад” Турк хоқонлигида фақат хоқоннинг ўғиллари ва жиянлари эгаллашга ҳақли унвон бўлиб, ўзининг 10 минглик кўшини ва бирор ўлкани бошқариш ҳуқуқини кўлга киритган “тегин”лар, яъни шахзодалар “шад” деб аталган.

Айрим тадқиқотчилар эса Беруний рўйхатида Аскажвар шаклида берилган ҳукмдорнинг, Хоразм воҳасидан топилган хоразмий ёзувли тангаларда *wzk'nšw'r* (Азқачвар) тарзида учрашини ҳамда унинг мусулмон манбаларида 712 йилдаги Хоразм ҳукмдори сифатида қайд қилинган Чағон билан битта шахс бўлганлигини таъкидлайдилар. Бу борада махсус тўхталган яна бир хоразмшунос олима Б.Вайнберг, ушбу ҳукмдорнинг бу ерга Тоҳаристон (Чағониён) ўлкасидан келганини ёзади [12].

Бироқ Хоразм ва Тоҳаристон орасида географик жиҳатдан ўзаро қўшничилик бўлмаган, улар ўртасида Бухоро ва Жанубий Суғд (Нахшаб) каби ҳукмдорликлар жойлашган бўлиб, шу тўғрисида бу қарашни тўлақонли исботланган, деб бўлмайди.

Шунга қарамай, Хоразм ҳукмдорларидан бирининг бир қатор ёзма манбаларда Чағон, Чигон кўринишларида тилга олиндиши, шунингдек, ушбу исмлар бир қарашда Чағониён ҳукмдорлиги номига бирмунча уйқаш келиши бир қатор тадқиқотчиларни бу масалага тўхталиб ўтишига ундаган. Хусусан, Ғ.Бобоёровнинг фикрича, у келиб чиқиши туркий бўлган ҳукмдор бўлиши эҳтимолдан йироқ эмас.

Исломдан аввалги Хоразм тарихини чуқур ўрганган А.Гудкова фикрича, Чагон исми турк-мўғул дунёсида кенг тарқалган. Шу ўринда, юқорида айтиб ўтганимиздек, агар Африғийлар қандайдир бир даражада Эфталийлар билан сиёсий ва этник алоқаларга эга бўлган кўринади.

Тадқиқотчиларга кўра, исломдан олдинги Хоразм тангаларида учрайдиган Азқачвар исмига диққат қилинса, у икки қисмдан, “Азқа” ва “Чвар” сўзларидан ташкил топганлиги кўзга ташланади. Ғ.Бобоёровнинг ёзишича, Африғийлар сулоласи вакилларида бири исмининг иккинчи қисми “чвар” туркийча “чўр” унвонининг бошқа бир шакли бўлиши мумкин. Чунончи, суғдий манбаларда ушбу унвон “cwɪ” тарзида ёзилади[13]. Хоразмча ёзувли тангаларда эса *wzk'nšw'r* (Азқачвар) исмининг иккинчи қисми “чвар” аслида “швар” тарзида ёзилган. Фақат тадқиқотчилар уни “чвар” шаклида ўқийдилар. Чунки, қадимги хоразмий ёзувида –ш ундоши –ч тарикасида ҳам ўқилиши мумкин.

Айрим тадқиқотчиларга кўра, Беруний рўйхатида келтирилган Хангири, Бағра (Бўғра), Бузгар, Шовуш (Човуш) сингари исмлар ҳам асли туркий бўлиши эҳтимоли бор. Турк хоқонлигининг марказий бошқарувида *чабиш* (човуш) унвони «қўшинда вазифадор шахс, лашкар бошлиқларидан бири» сифатида бўлган. Япон суғдшуноси Ё.Ютака “чабиш” унвонини Эфталийлар давлатига хос унвон деб ҳисоблаб, унинг Турк хоқонлиги томонидан ўзлаштирилганини илгари суради. Қизиғи шундаки, бу маълумот Эфталийлар ва Африғийлар орасидаги сиёсий ва этник алоқалар борлигидаги қарашларни янада кучайтиради.

Турк хоқонлиги ва ундан кейинги бир қатор туркий сулолаларда бўлгани каби хоқонлик даврида ҳам *чабиш* «қўмондон, хабарчи» вазифасини бажариб, кўшни давлатларга элчи юборилган шахсларга нисбатан ҳам қўлланилган. Ушбу унвон хоқонликнинг вассаллари бошқарувида ҳам учраб, хитой йилномаларида 750- йиллардаги воқеалар муносабати билан Ши (Чоч) ҳукмдорининг ўғли *На Гюй Чабиши* (қад. турк. ...Кул Чабиш) шаклида тилга олинган шахсни бунча мисол қилиб келтириш мумкин. Муғ тоғи суғдий ҳужжатларидан бири А-14 да “парсик чапиш” сўзи учраб, айрим изланувчилар уни “форс лашкарбошиси” деб қарайдилар.

Маҳмуд Кошғарий *чабишни* «жангда сафларни тузатувчи, дам олиш вақтида аскарни зулм қилишдан сақловчи одам» шаклида таърифлайди. Ривожланган ўрта асрларда ҳукм сурган туркий сулолаларда, айниқса, Салжукийлар, Хоразмшоҳ-Ануштегинийлар даврида “човуш” кўринишини олган ушбу унвон кейинчалик Усмонийлар салтанати (1299-1923) даврида Ўрта Шарқ ва Болқон яриморотида ҳам тарқалган. Хоразмшоҳ-Ануштегинийлар бошқарувида “човуш” унвони арабча “мустаҳдам” (ходим) унвонига тўғри келиб, уларнинг етакчиси “Муқаддам-и човушон” (Човушлар бошлиғи) деб аталар ва бу унвон саройдаги барча юмушларни назорат қилувчи амалдорга нисбатан қўлланилган. Султон Алоуддин Муҳаммад Абисқун (Каспий) оролида бўлган кезларда унинг ёнида Булоқ Човуш деган амалдор хизмат қилгани ёзма манбалардан маълум.

Беруний келтириб ўтган Хоразм ҳукмдорларидан бири – Бағра исми Ғ.Бобоёров фикрича, чамаси Бўғра бўлиб, ушбу атама Турк хоқонлиги унвонлар тизимига хос «Эркак туя» маъносидаги *бўғра* эпитети билан алоқали бўлиши ҳам мумкин. Унга кўра, ушбу эпитет хоқонликнинг бир қатор вассаллари бошқаруви билан боғлиқ улароқ қуйидагича учрайди: Тоҳаристон ябғулиги томонидан Хитойга юборилган элчи *Ашина Дэлэ пуло* (*Тегин Бўғра; 706, 718) , Уструшонанинг туркий ҳукмдори *Гэло пуло* (Табарийда Харабуғра (Қора-бўғра); 737–742) ва Кабудон ҳукмдори *Суду пуло* (*Сатук?-бўғра; 738). Ушбу унвоннинг хоқонлик бошқаруви чоғида кўпроқ Амударё – Сирдарё оралиғидаги воҳа ҳукмдорликлари бошқарувида қўлланилганидан келиб чиқилса, Хоразмшоҳ-Африғийлар сулоласида Шовуш (Човуш) атамаси йнан ўша кезларда пайдо бўлган, дейиш мумкин.

Исломдан аввалги Хоразм тангаларидаги *twtwhas* “Тутухас” исми учраб, айрим изланувчилар уни Турк хоқонлиги бошқарувида кенг қўлланилган “тутук” (ҳарбий волий) унвони билан тенглаштирадilar.

Хоқонликнинг унвонлар тизимидаги *тутуқ* унвонини «бирор вилоятнинг харбий-маъмурий ҳокими маъносидаги хитойча *ду-ду* сўзидан ўзлашган» ҳисоблайдилар ва хоқонлик бошқарувида ҳам тутуқлар худди шундай вазифани бажарган, деб ёзадилар. Тутуқ унвонини қадимги туркча *тут-* «тутмоқ» феълидан шаклланган, деб қаровчи тадқиқотчилар ҳам топилади. Асосан Турк хоқонлигининг марказий бошқарувида амалда бўлган бу унвон хоқонликнинг бир қатор вассаллари бошқарувида ҳам қўлланилгани кўзга ташланади. Масалан, суғдий А–14 рақамли ҳужжатда «Фарғона ҳукмдори» ва «Фарғона тутуғи» иборалари биргаликда учрайди.

Исломдан олдинги Хоразм ҳукмдорларидан *к'нуқ* (Қаниқ) исмини айрим тадқиқотчилар туркий характерли Хоразм ҳукмдорларининг исмини буларнинг қаторига киритишади. Қизиғи шундаки, Беруний исломдан олдинги туркий Кобулшоҳлар сулоласи ҳукмдорини кушонлар билан боғлаб, унинг исми Қаниқ бўлган, деб ёзади.

Хуллас, юқорида келтириб ўтилган маълумотлар Турк хоқонлиги [14] ва Хоразмшоҳ-Африғийлар сулоласи орасидаги муносабатларни ёритишда муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, араб тилли ёзма манбалардаги айрим маълумотлар – Хамгири/Хангири, Шавуш / Човуш / Чабиш, Бағра / Бўғра ва нумизматик материаллар – Тутухас, Қаниқ ва ҳоказолар тарихий далиллар сифатида аҳамиятлидир.

Тадқиқотчилар фикрича, Турк хоқонлиги бошқаруви чоғида Амударё – Сирдарё оралиғидаги ўнлаб ҳукмдорликларда бўлгани каби Хоразм[15]да ҳам хоқонлик ушбу ҳукмдорликлар бошқарувида қўлланган усул ва воситаларни қўллаган бўлиши мумкин. Бу ҳақдаги маълумотлар манбаларга кирмаган ёки ҳалигача аниқланмаган бўлиши мумкин. Шу билан бирга, бошқа воҳа ҳукмдорликлардан фарқли ўлароқ Хоразм ўз бошқарув анъаналарини нисбатан эркинроқ давом этган кўринади. Аввало, Хоразм воҳасининг хоқонликнинг марказий ҳудуди – Еттисувдан анчагина узоқ бўлгани, ўз географик жойлашувига кўра бу ернинг бошқа ҳукмдорликлардан алоҳида жойлашгани каби омиллар ҳам Турк хоқонлиги ва Хоразм[16] орасидаги сюзерен – вассал муносабатларига таъсир қилган бўлиши мумкин.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Хоразмшоҳ – Африғийлар сулоласининг Турк хоқонлиги даврида олиб борган ички ва ташқи сиёсати, унвонлар тизими ҳақида, шунингдек, Турк хоқонлигининг Хоразм воҳасини бошқаришда қўллаган усул ва воситалари, хоқонлик томонидан бу ерда ўрнатилган тартиб-қоидалар мавзуси янада чуқурроқ изланишларни талаб қилади. Ушбу мавзунини тўлиқроқ ёритиш учун эса нафақат турли тиллардаги ёзма манбалар, балки, археологик ва лингвистик материалларга мурожаат қилишга тўғри келади.

ИҚТИБОСЛАР/СНОСКИ/REFERENCES

1. Гумилев Л.Н Эфталиты и их соседы в IV веке // Вестник древней истории. 1959. № 1 – С. 129-140.
2. Бичурин Н. Я. Собрание сведений о народах обитавших в Средней Азии в древние времена. Т. I-III. – М-Л., 1950. Т. I. – С. 229.
3. Бобоёров Ф. Фарбий Турк хоқонлигининг давлат тузуми. – Тошкент: Yangi nashr, 2018. – Б. 39, 66.
4. Пигулевская Н. В. Сирийские источники по истории народов СССР. – М-Л.: Изд-во АН СССР, 1941. – С. 71.
5. Бичурин Н. Я. Собрание сведений о народах обитавших в Средней Азии в древние времена. Т. I-III. – М-Л., 1950. Т. II. – С. 291.
6. Алманов Қ.О. Фарбий Турк хоқонлиги даврида Уструшона. Тарих фани бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Қарши, 2021.
7. Бабаяров Г., Кубатин А. К новому чтению и интерпретации легенд на некоторых доисламских монетах Самаркандского Согда // Тарих тафаккури. «Баркамол авлод» йилига бағишланган Республика тарихчи олимларининг илмий ишлар тўплами. Масъул муҳаррир ва тузувчи: Ш. Ҳ. Воҳидов. – Бухоро, 2010. – С. 22-32.
8. Джуманиязова Ф. История Тохаристанских Ябгу и Тегиншахов Кабула. – Нур-Султан: “Ғылым” баспасы, 2021.
9. Абу Райҳон Беруний. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар / Таржимон А. Расулов / Танланган асарлар. I жилд. – Т.: Фан, 1968. – Б. 71-72.
10. Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар. 1-жилд. Т.: Фан, 1968. – Б. 71-72
11. Толстов С. П. Древний Хорезм: Опыт историко-археологического исследования. – М.: Издание МГУ, 1948. – С. 188; Зуев Ю. А. Ранние тюрки: очерки истории и идеологии. – Алматы, Дайк-пресс, 2002. – С. 190
12. Вайнберг В.И. Монеты древнего Хорезма. М.: Наука, 1977. – С. 41, 91-94
13. Согдийские документы с горы Муг. Чтение, Перевод. Комментарий. Вып. II. Юридические документы и письма / Чтение, перевод и комментарии В. А. Лившица. – М.: Изд-во восточной лит-ры, 1962. – С. 47
14. Nematov, R. A., & Almanov's, Q. O. (2022). THE ROLE OF HISTORICAL SOURCES IN THE STUDY OF THE HISTORY OF THE TURKISH EMPIRE. *American Journal Of Social Sciences And Humanity Research*, 2(10), 25-31.
15. Неъматов, Р. (2023). Илк ўрта асрлар Хоразм тарихшунослигининг бугунги ҳолати. *Марказий Осиё тарихи ва маданияти*, 1(1), 122-125.
16. Неъматов, Р. (2023). ИЛК ЎРТА АСРЛАРДА ХОРАЗМДА КЕЧГАН ЭТНОМАДАНИЙ ЖАРАЁНЛАР. *Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари/Актуальные проблемы социально-гуманитарных наук/Actual Problems of Humanities and Social Sciences.*, 3(6), 14-23.

ISSN: 2181-4031
DOI Journal 10.56017/2181-4031

ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

I-ЖИЛД, 7-СОН

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ-I, НОМЕР-7

JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

VOLUME-I, ISSUE-7

«Фундаментал тадқиқотлар» электрон журнали 2022 йил 22 декабрь куни № 054837-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «IMFAKTOR Pages» масъулияти чекланган жамияти.

Таҳририят манзили: 100152, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2-уй.

Телефон номер: +99894-410 11 55

Эл. почта: tahririyat@imfaktor.uz

Веб-сайт: www.imfaktor.uz